

ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2021

[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)





**Ғайбуллаев Алишер Асадович,**  
Бухоро давлат университети психология кафедраси ўқитувчиси

**СПОРТЧИЛАРДА ҲИССИЙ- ИРОДАВИЙ СИФАТЛАР  
ШАКЛЛАНИШИННИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**



**Аннотация:** Спортчиларни спорт мусобақаларига психологик жиҳатдан тайёрлаши, уларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлик даражасини янада ошириши-спорт амалиётида спортчиларнинг ғалаба қозониши иммий асослаш ҳамда спорт мутахассислари ва мураббийлар спортчиларни мусобақага психологик жиҳатдан тайёрлашга алоҳида эътибор беришлари мақсадга мувофиқ.

**Калим сўзлар:** Спортчи, психологик холат, руҳий зўриқиши, казусли (тасодифий) вазият, чидам, бардош, шижиоат, эҳтирос, стресс, депрессия, аффект.

**Аннотация:** Психологическая подготовка спортсменов к спортивным соревнованиям, дальнейшее улучшение их физической и психической подготовленности - научная основа успеха спортсменов в спортивной практике, и профессиональным спортивным специалистам и тренерам следует уделять особое внимание психологической подготовке спортсменов к соревнованиям.

**Ключевые слова:** спортсмен, психологическое состояние, психическое напряжение, случайная (случайная) ситуация, выносливость, выносливость, смелость, азарт, стресс, депрессия, аффект.

**Abstract:** Psychological preparation of athletes for sports competitions, further improvement of their physical and mental fitness is the scientific basis for the success of athletes in sports practice, and professional sports specialists and coaches should pay special attention to the psychological preparation of athletes for competitions.

**Key words:** athlete, psychological state, mental stress, random (accidental) situation, endurance, courage, excitement, stress, depression, affect.

**Муаммонинг ўранилганлик даражаси:** Субъектив мақсадни амалга оширишга ўйналирилган сунъий вазиятлар ҳам характерологик хислатларни синашда муҳим шарт шароит сифатида ҳизмат қиласи (чидам, бардош, шижиоат, эҳтирос, стресс, депрессия, аффект).

Казусли (тасодифий) вазиятлар инсон ҳаёти ва фаолиятида алоҳида аҳамият касб этиб, унда ишонч, қатъиятлилик, барқарорлик, мустақиллик, таъсирга берилувчанлик ёки берилмаслик каби хислатлар устуворлиги ҳамда барқарорлиги ҳакида маълумот олишга замин ҳозирлайди.

Професор Э.Фозиевнинг таъкидлашича, эмоционал ҳолатлар ёки тор маънода эмоциялар ҳиссий кечинмаларининг ўзига хос хусусиятли шаклларидан биттасидир. Эмоция у ёки бу ҳиссиётнинг инсон томонидан бевосита кечирилиши (кечиши) жараёнидан иборатдир. Кўрқинч, даҳшат кучли ҳиссий кечинма сифатида объектларга шахснинг муносабатини акс эттириб, турлича шаклда намоён бўлиши мумкин: одам даҳшатдан қотади, кўркувдан анграйиб қолади, ўзини идора қила олмай ҳар томонга уради, ҳатто хавф-хатарга ўзини ташлаши ҳам мумкин.

Е.Мироновнинг фикрича, инглиз тилидан таржима қилинганда “стресс” сўзи “психик зўриқиши”, “босим ўтказиш” маъноларини англатади. Дисстресс сўзи эса “кайфу”, “муҳтожлик”, “чарчаш” маъноларида қўлланилади.

Ҳозирги даврда стресс деганда организмнинг қандайдир кўзгатувчи – стрессор (стрессни чакирувчи омиллар) таъсири остида юқори зўриқиши ҳолати тушунилади. Стресс сўзи индивиднинг ги эмоционал ҳолатини ифодалаш учун ҳам ишлатилади.

Стресс ҳолатларини инсон ҳаётининг турли даврларида турлича намоён бўлиши олимлар томонидан тадқиқ этилган [Н.Н.Бехтерева, 1994; Ф.Е.Василюк 1999, М.В.Коркина, 1998, Л.А.Китаев-Смык, 1993] бўлиб, улар кўпинча бу тафовутларни ҳам асаб, ҳам гормонал тизимдаги ўзгаришлар билан боғлаб тушунтирадилар.



Стресс аффектни эслатади. У худди аффектга ўхшаб қийин ҳаётій шароитларда, хавфли вазиятларда, жуда тез, кутилмаганда содир бўладиган ва зудлик билан уни бартараф этиш зарур бўлган ҳолатидир. Стресс ҳолатида инсон хатти-харакатлари чигаллашади, тартибсиз харакатлар қила бошлайди, нутқ бузилади. Қабул қилиш, фикрлаш ва эслаш қобилиятида хатоликлар кузатилади. Вазият мос келмайдиган ноадекват эмоциялар намоён бўлади.

**Методика:** Тадқиқотнинг назарий-методологик асосини узоқ хориж олимларининг умумий психология ва шахс психологиясида ишлаб чиқилган фундаментал ғоялари (С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Д.А.Леонтьев, А.В.Петровский, Л.С.Выготский ва бошқалар), спорт психологияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари (А.Ц.Пуни, И.П.Волков, Г.Д.Горбунов, В.Л.Марищук, Е.П. Ильин, А.Н. Николаев, Л.К. Серова, Н.Б. Стамбулова, А.В. Алексеев, В.С.Фомин, Ю.Я.Киселев, В.Ф.Сопов ва бошқалар) казусли ва экстремал вазиятлар муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотлар (О.С.Разумовский, В.Н.Лебедев, А.М.Столяренко, В.Н.Томалинцев, М.Ш.Магомед-Эминов, В.И.Лебедев, Л.А.Китаев-Смык, В.И.Медведев, Ц.П.Короленко, Л.Р.Правдина), таваккалчилик психологиясида баён этилган ғоялар (В.А. Петровский, Т.В.Корнилова, Ю.Козелецкий, Д.Аткинсон, Я.Рейковский, М.А.Котик), ҳаёт фаолияти хавфсизлиги психологияси бўйича тадқиқотлар (А.В. Непомнящий ва бошқалар), Scopus.com интернет сайтидаги М.К.Акимова, К.М.Гуревич “Психологическая диагностика”, Г.С.Абрамова “Возрастная психология” каби манбалардан ҳамда мамлакатимиз психологик олимлари (Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, А.М.Жабборов, З.Т.Нишонова, Н.С.Сафоев, Д.Ғ.Мухамедова, Р.С.Самаров, Р.З.Гайнутдинов, З.Г.Гаппаров, Р.А. Абдурасулов, Ф.Газиева ва бошқалар), томонидан олиб борилган спорт соҳасидаги долзарб масалалар ташкил этади.

Спортчилардаги хавотирланиш даражасини ўрганиш мақсадида Ч.Д.Спилбергер-Ю.Л.Ханин методикасидан фойдаландик. Маълумки шахслик хавотирланиши хавфли вазиятларда субъектнинг жавоб бериш реакциясининг намоён бўлиши билан характерланади. Реактив хавотирлилик субъектдаги кучли қўзгалувчанлик, хавотирлилик, неврозлар билан характерланади. Жуда юқори реактив хавотирлик дикқатнинг бузилишига олиб келади, баъзида эса нозик координациянинг бузилишига сабабчи бўлиши мумкин. Жуда юқори шахслик хавотирланиши низолар, эмоционал ва асаб бузилишлар ҳамда психосоматик касалликлар билан корреляция килади. Хавотирлик ҳолати динамикасини баҳолашда шкаланинг биринчи ярмини ишлатиш мумкин.

Синалувчилар билан ўтказилган тадқиқотдан олинган натижалар таҳлилига эътибор берадиган бўлсақ, қўйидаги ҳолатларни кузатишимиш мумкин. Синалувчиларнинг ёши 15 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўспирин ёшларни ташкил қиласи. Уларнинг ўртача ёши 17 ёшдан иборат. Уларнинг натижаларидағи асимметрия кўрсаткичини нормал тақсимланишга яқинлигини қўришимиз мумкин. Хавотирланиш шкаласи орқали энг кичик балл 14 балл 20, энг юқори балл 50 баллни ташкил қилиши қайд этилди. Хавотирланиш даражасида ўзини ўзи баҳолаш шкаласининг ўртача қиймати 38,68 баллга тенглигини қўришимиз мумкин. Уларнинг натижаси бўйича стандарт оғиши кўрсаткичи 9,36 баллга тенг эканлиги маълум бўлди. Ассиметрия ва экцесс кўрсаткичи бўйича олинган натижалар кучсиз ифодаланган ассиметрия ва кучсиз ифодаланган экцессни кўрсатади. Бу ҳолатлар куйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

#### **Синалувчиларнинг ёшига нисбатан хавотирланиш даражасини текшириш бўйича олинган умумий натижаларнинг таҳлили ( $n=290$ )**

	n	Минимал	Максимал	Ўртача	Стандарт оғиши	Ассиметрия	Экцесс
Ёши	290	15	20	16,10	2,62	-0,05	-1,34
Хавотирланиш шкаласи	290	14	50	38,68	9,36	-0,49	-0,74

Натижаларнинг таҳлилида Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва Футбол академияси спортчиларининг ўзини ўзи баҳолаш шкаласи бўйича олинган натижалар таҳлилини кузатамиз. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларда ўзини ўзи баҳолаш шкаласи бўйича ўртача 40,77

баллга тенглигини кўришимиз мумкин. Болалар ва ўсмиirlар спорт мактабларида хавотирлик даражасининг нисбатан юқори эканлигини уларнинг ҳаётларидаги мусобақалар ҳали олдинда бўлғанлиги билан тушунтириш мумкин. Синалувчиларнинг натижаларига кўра, шуни кузатиш мумкини, футбол академияси спортчиларида ўзини ўзи баҳолаш шкаласи бўйича олинган ўртача бали 36,67 ни ташкил қиласди. Уларнинг натижалари деярли нормал ҳолатга яқинлиги билан эътиборга сазовордир. Эҳтимол, ҳозирги кунда футбол ташкилотлари йўинчиларининг руҳий ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилаётганилиги бунинг сабабидир. Чунки ҳар бир спортчи бир йилда уч маротаба тиббий ва психофизиологик кўриқдан ўтиши талаб қилинади.


Уларнинг ҳолатларидаги ўзгаришлар қайд қилиб борилади ва ўзгаришлар мавжуд бўлган спортчилар билан алоҳида психолог мутахассислар индивидуал шуғулланадилар. Биз натижалар таҳлилини кузатганимизда Болалар ва ўсмиirlар спорт мактабларида ва Футбол академияси спортчилари ўртасидаги кўрсаткичда ишонч тафовутлари мавжудлиги намоён бўлди. Бу \*\*)  $P \leq 0,01$  ли ишонч даражасидаги фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам биз юқоридаги таҳминни ишлатишимизга тўғри келди. Куйидаги жадвалда эса синалувчиларимизнинг олинган натижаларни таҳлили яққол ифодаланган.

### **Хавотирланишни даражасини текшириш бўйича БўСМлар ва Футбол академияси спортчиларидан олинган натижаларнинг таҳлили (n=290)**

Методика	Синалувчи спортчилар	n=290	Ўртача	Стандарт оғиши	t	Ишонч даражаси
Хавотирланиш даражаси	БўСМлар	144	40,77	8,106	2,116	,037**
	Футбол академиялари	146	36,67	10,108		

Юқоридаги ҳолатларнинг яққолроқ кўриниши диаграмма ҳолатида қўйидагича кўринишга эга бўлди.

Хавотирланишнинг текшириш бўйича БўСМлар ва футбол академияси спортчиларидан олинган натижалар диаграммаси



Хулоса: Спортчи эмоционал ҳолатини коррекциялашнинг ижтимоий-психологик механизмларини ўрганиш асосида қўйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Казусли вазиятлар спортчи фаолиятини кескин ўзgartиришига қодир воқелик бўлиб, бундай вазиятлар мусобақа жараёни ва ўйин пайтидаги эмоционал бекарорликни, асабий тарангликни, айниқса, салбий эмоционал кечинмалар (стресс, аффект, депрессия ва бошк.) юзага келишига имконият яратади. Казусли вазиятлар ички мураккаб эмоционал боғланишли тузилишга эга бўлиб, инсон шахсига мотивацион, иродавий, ахлокий, когнитив, регулятив таъсир ўтказишнинг омилкор шаклларини танлашни тақозо этади. Бундай вазиятларни муваффакиятли енгиш ва унинг салбий таъсирини минимум даражага олиб тушиш ҳар бир инсон учун зарур билим, малака ва маҳоратни талаб этади..

2. Узоқ ва яқин хориж ҳамда мамлакатимиз психологиясида казусли вазиятлар ва эмоционал ҳолатларнинг юзага келиши, кечиши, йўналгани ҳамда субъект фаолиятида



шаклланиши тадқиқ қилинган бўлса-да, аксарият муаллифлар эмоционал ҳолат сифатида стрессни келтириб чиқарувчи омиллар, уни бартараф этиш моделлари, стрессга мойиллиги бор шахсларнинг умумий жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилганилиги аникланди.

3. Спортчиларда ўйиндан олдин ва ўйиндан кейинги хавотирланиш даражасининг ўзгарувчанлиги, хавотирланиш жараёнида ўзини ўзи назорат қилиш, кучли эмоционал ҳолатдан узоқлашиш, хавотирлик спортчи шахсининг хатти-ҳаракатларида аномал ҳолатларни келтириб чиқариши каби ҳолатларни ўрганишга мўлжалланган методлардан фойдаланиш учун спортчи шахсининг экспрессив-диагностика қилиш усулларини моҳияти изоҳланди.

4. Тадқиқот натижалари таҳлилига кўра, Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ўзини ўзи баҳолаш шкаласи хавотирлик даражасининг нисбатан юқори эканлиги, Футбол академияси спортчиларида эса хавотирланиш даражаси деярли нормал ҳолатга яқинлиги кузатилди. Спортчиларнинг шахслик хусусиятларини ўрганиш Р.Б.Кэттеллнинг 16 фактор (омил)ли сўровномаси натижаларига кўра, БЎСМ спортчилари орасида бошқаларга тобелик, ҳиссиётга берилиш ҳолати бироз юқорилигини, ўзига ишонч, реалистлик, амалийлик, баъзи ҳолларда каттиқўллик хос бўлиб, атрофдагиларга нисбатан кўпол муносабатда бўлиш, таъсирларга тезда берилиш, ўзини назорат қилиш даражаси, шунингдек, ўйин вақтида лоқайдлик ва бўшашганлик ҳолати, ўзини паст баҳолаш кўрсаткичлари юқори эканлиги кузатилган бўлса, Футбол академияси спортчилари орасида эса мустакил бўлишга интилиш, ўзини бошқариш ҳолатининг кучлилиги, юмшоқлик, тобелик, романтизмга мойиллик, артистизм, тафаккурнинг ижодийлиги, бироз совуққонлиги, янгиликка интилишнинг кучлилиги яққол ифодаланди. Г.Айзенк методикасидан олинган натижаларга кўра, БЎСМлар синалувчилари футбол академияси синалувчиларига нисбатан бироз асабийроқ, нотинчроқ, кўзғалувчан ва бетоқат эканлигини кўришимиз мумкин.

5. Стресс спортчи организмида босим, танглик, кучли зўрикиш ҳолатини юзага келтиради. Спортчиларда стресс индивиднинг субъектив реакциясига алоқадор бўлиб, шахснинг ички психик ҳолатини акс эттиради. Инсонда кечувчи ушбу ҳолат ҳиссиёт, ҳимоя реакцияси, енгиш жараёни сифатида талқин қилинади. Бундай жараёнлар функционал тизимнинг ривожланиши ва такомиллашишига ёрдам бериши, организмнинг ташқи таъсирга нисбатан кучли жисмоний реакцияси сифатида ифодаланиши мумкин.

6. Тадқиқот доирасида олинган маълумотларга кўра, спортчиларда эмоционал ҳолат ўзгариши уларнинг ёши, билими ва тажрибасига узвий боғлиқлиги аникланди, яъни спортчиларнинг (БЎСМлар ва футбол академияси) ёш босқичлари ўсиши ва ҳаёт тажрибалари ошиши билан, уларнинг эмоционал ҳолати ўзгариб бориш кўрсаткичлари яққол ифодаланди. Натижаларнинг таҳлилига кўра, психокоррекцион машғулотдан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар орасида юқори ишонч даражасидаги корреляцион боғлиқлик қонунияти мавжудлиги кузатилди. Коррекцион тренинглар ёрдамида казусли вазиятларни енгиш ва спортчи эмоционал ҳолатини барқарорлаштириш мумкин эканлиги олиб борилган тадқиқотларимизда ўз исботини топди. Ана шундай ўзгаришлар спортчилар билан тарбиявий жараёнларни оқилона ташкил этишга имконият яратади.

7. Спортчи казусли вазиятлар таъсирига ўз шахсини “психологик ҳимоя” механизми сифатида қарама-қарши қўяди. Тадқиқотимизда казусли вазиятлар учун психологик ҳимояни ташкил этиш психологик тайёргарликнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди ва у қанчалик эрта яратилса, шунчалик спортчи ўзининг асосий фаолиятидаги вазифаларни осон ҳал қила олиши аникланди. Казусли вазиятларни енгишга тайёргарликни ташкил этиш казусли вазиятларни муваффақиятли енгиши таъминловчи психологик ҳимояни фаол шаклларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

8. Стресснинг трансакт моделларига хос енгиш ресурсларига шахснинг физиологик ва типологик хусусиятлари, когнитив жараёнлар ва шахсдаги ҳиссий-иродавий сифатлар, ижтимоий қўллаб-куватлаш, моддий таъминланганлик кирса, стресснинг интегратив модели доирасига мавжуд ресурсларни англаш кўнікмасини ривожлантириш, уларни стрессни енгиш жараёнида бошқара олиш ва рационал қўллаш малакасини шакллантириш имкониятларини киритиш мумкин. Стрессни енгиш ресурсларига шахсга казусли ёки стрессли вазиятни енгишга ёрдам берадиган, стресснинг салбий таъсирини камайтирадиган, айнан ўзига ишонч, ўзини ва бошқаларни қабул қилиш, жисмоний саломатлик, муаммоларни ҳал қилиш кўнікмаси, ижтимоий қўллаб-куватлаш, стрессни ва зўриқишини назорат қилиш кўйнімлари



ва амалий-психологик бўшаштирувчи машқлар тўплами бошқаларни эътироф этиш мумкин

9. Спортчи эмоционал ҳолати ўзгаришининг олдини олишга йўналтирилган ижтимоий-психологик тренингдан олдинги ва кейинги олинган натижалар таҳлили тренинг машғулотларининг тўғри ташкил қилинганини ва анча самарали кечгандигини кўрсатди. Муаммоли масалаларни (хулқ-автор ва ҳиссий-иродавий ҳолатларда учрайдиган салбий иллатларни бартараф қилиш) ечиш жараёнидаги спортчиларнинг вазиятли-амалий ва ҳаётий ёндашувлари, баҳс-мунозаралари, фикр эркинлиги улар орасида жисмоний ҳамда маънавий-психологик қўринишдаги ўзаро бирлашиш, умумийлик, яқдиллик пайдо бўлганлигини ифодалади. Мазкур ижтимоий-психологик тренинг ўзига хос ихчам тузилиши, илмий йўналганлиги, ҳаётий ечимлар билан асослилиги ҳамда жамоавий ўқув-тарбия жараёни сифатида қулай ва замонавийлиги билан алоҳида аҳамият касб этди.

### Адабиётлар.

1. Абдурасолов Р.А. Ўқувчи шахсини шакллантиришда спорт машғулотларининг ўрни. Монография. –Тошкент.: Фан ва технология. 2013. -204 бет.
2. Вачков И.Б. Основы технологии группового тренинга. –М.: изд. “Ос-89”, 1999, -240 с.
3. Кочюнас Р. Основы психологического консультирования Пер. с лит. –М.: Академический проект. 1999 -240 с.

---

**Турахонов Абдукарим Эшкузиевич,**

*Сурхондарё вилояти ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши ҳудудий маркази  
Ўқув жараёнини ташкил этиши бўлими бошлиги*



## КАСБИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ШАХСЛИЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК ЖИҲАТЛАРИ

---

**Аннотация:** Мазкур мақола касбий масъулият ва шахслилик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари ҳамда талабаларда касбий масъулият шаклланишининг психологик хусусиятлари мавзусига багишланган. Шунингдек, мақола матнида касбий масъулият шаклланишини таъминловчи психологик таркиблар ва талабаларда касбий масъулиятыликтин белгиловчи психологик хусусиятлар ҳам кенг ёритилган.

**Калим сўзлар:** рефлексия, ахлоқий-этик масъулият, ахлоқий-этик қадриялар, альтруистик масъулият, экзистенциал масъулият, муаммони ечиш, танқидий тафаккур, интернал локус назорат, ташаббускорлик, қатъийлик, журъатлилик, масъулиятылилк, гайратлилик, самимийлик, муаммодан қочиши, ижтимоий қўллаб-қувватлашини қидириши, экстернал локус назорат ва матонатлилик.

**Аннотация:** Статья посвящена взаимосвязи профессиональной ответственности и личностных качеств, а также психологическим особенностям формирования профессиональной ответственности у студентов. В тексте статьи также освещены психологические компоненты, обеспечивающие формирование профессиональной ответственности, и психологические особенности, определяющие профессиональную ответственность студентов.

**Ключевые слова:** рефлексия, морально-этическая ответственность, морально-этические ценности, альтруистическая ответственность, экзистенциальная ответственность, решение проблем, критическое мышление, внутренний локус-контроль,



3	<b>Баратов Шариф Рамазонович</b> Психолог хизмат ижтимоий – психолог муаммо сифатида
9	<b>Хусейнова Абира Амановна</b> Ўзбекистонда оиласларнинг мустаҳкамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар ва оиласнинг ижтимоий функциялари
15	<b>Усманова Манзура Наимовна</b> Эмпирическое исследование темперамента личности в профессиональной деятельности педагога
22	<b>Собирова Дилафуроз Абдуразикова</b> Тиббиёт ходимларида ижтимоий компетенция омилларини шаклланишнинг ижтимоий-психологик асослари
28	<b>Назаров Акмал Мардонович, Нурсатова Мехринисо Бахшишллоевна</b> Спортчи талабаларда психологик ҳимоя механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ўзига хос усуслари
32	<b>Олимов Лазиз Ярашович, Махмудова Зулфия Мехмоновна</b> Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-автор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари
40	<b>Жумаев Улугбек Сатторович</b> Параметры межкультурных различий: теории Г.Хофстеде
45	<b>Останов Шухрат Шарифович</b> Талабаларда креативлик хусусиятларини намоён бўлишининг ўзига хос психологик жиҳатлари
49	<b>Рустамов Шавкат Шухратович</b> Амалиётчи психологларнинг математик касбий компетентлигини касбий фаолият доирасида тадқиқ этилиши
53	<b>Nazarova Manzura Mustafo qizi</b> Globallashuv jarayonida milliy til omili
58	<b>Ахмедова Зарина Джамиловна</b> Ўсмирларда жиноят мотивлари шаклланишини ўрганиш психологик тадқиқот муаммоси сифатида
62	<b>Аъзамова Махлиё Абдурахимовна</b> Махаллада психологик хизмат қўрсатишнинг эмпирик асослари
67	<b>Остонов Жасур Шониржонович</b> Ўсмирларда психологик ҳимоя ва копинг хулқ-автор омиллари намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари
76	<b>Собиров Абдулазиз Абдуразикович</b> Психологические защитные факторы проявляющийся у спортсменов
80	<b>Тилавов Мухтар Ҳасан ўғли, Болтаев Суннат Баҳтиёр ўғли</b> Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш дастури ва тадқиқот натижалари
85	<b>Рўзиев Умар Музafferович</b>



	Ўспириналарда ижтимоий фобия намоён этилишининг психологик белгилари
89	<b>Ҳакимова Фазолат Хошимовна</b> Мослаша олмаслик хусусиятларининг мактабгача ва кичик мабтаб ёшидаги болаларда турли психологик кўринишлари
92	<b>Ғайбуллаев Алишер Асадович</b> Спортчиларда ҳиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизmlари
96	<b>Турахонов Абдукарим Эшкузиевич</b> Касбий масъулият ва шахслик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари
104	<b>Кулиев Ёркин Каримович</b> Психологические особенности саморазвития преподавателей учебных заведений
108	<b>Ermatova Gulnoz Pirimovna</b> Mutafakkirlarimiz asarlarida xalq og`zaki ijodiyoti asosida bola sotsial intellektini shakllantirish masalalarining yoritilishi
114	<b>Қабулов Қосимбай Пиржонович,</b> Касб танлаш мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари
118	<b>Ахмедова Максуда Лочиновна</b> Ўкувчиларда ўзбек мусиқа фольклор хақидаги тасаввурларни шакллантиришнинг психологик имкониятлари
	<b>ҚУТЛОВ</b>
121	<b>Баротова Диляфруз Шарифовна</b>